БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 69 (1073)
4 АПРЕЛЬ ЖУМА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

## Областимиз меҳнаткашлари СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини якдиллик билан маъқулламоқдалар



СССР Олий Совети сессиясининг материаллари пойтахт саноат корхоналарида зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. **Суратда:** Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси 6-цехининг бир группа ишчиларига участка мастери ўртоқ **С. Тожибоев** сессия материалларини ўқиб бермоқда.

**В. Салов** фотоси.

## ТАРИХИЙ СЕССИЯ

27-31 март кунлари улуғ социалистик Ватанимизнинг пойтахти — Москвада бўлиб ўтган СССР Олий Советининг бешинчи чақириқ биринчи сессияси шонли Коммунистик партиямиз, Совет ҳукуматимиз ва коммунизм қураётган қаҳрамон халқимизнинг қудратли бирлигини ёрқин намойиш қилди, коммунистик қурилишнинг КПСС XX съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлайдиган ғоят муҳим қарорлар қабул қилди. Совет кишилари халқимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган бу қарорларни якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар.

Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи СССР Олий Советининг Президиумини сайлади, СССР ҳукумати — СССР Министрлар Совети тузилди ва СССР Министрлар Совети раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев тақдим этган СССР Министрлар Совети составини бир овоздан тасдиқлади. Совет халқи Коммунистик партия ва Совет давлатининг энг кекса арбобларидан бири бўлган ўртоқ К. Е. Ворошиловнинг якдиллик билан СССР Олий Совети Президиумига раис қилиб сайланганлигини қизғин кутиб олди. СССР Олий Совети Президиуми аъзолари орасида отоқли давлат ва жамоат арбоблари, ишчилар, деҳқонлар, олимлар, хуллас турли касб эгалари, турли миллат вакиллари бор. Бу Совет ҳокимиятининг чинакам халқчил характердаги ҳокимият эканлигини яққол кўрсатади.

СССР Олий Совети ўртоқ Н. С. Хрушчевни СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги қарорни жуда катта сиёсий руҳ ва якдиллик билан қабул қилди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари, шунингдек чет эллардаги дўстларимиз ҳам Олий Советнинг бу қарорини ғоят зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Коммунистик партия ва Совет давлатининг отоқли арбоби, ишчилар синфининг шонли фарзанди бўлган Н. С. Хрушчев 40 йилдан кўпроқ вақтдан бери меҳнаткашларнинг манфаатларига, ишчилар синфининг, бутун совет халқининг, ленинчи партиямизнинг улуғ ишига, коммунизм ишига зўр ғайрат, матонат ва принципиаллик билан хизмат қилиб келмоқда.

СССР Олий Совети «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида Қонун» қабул қилди. Партиямиз Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари бутун совет халқи, шунингдек халқимиз вакиллари — СССР Олий Советининг депутатлари ҳам тўла маъқулладилар.

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш соҳасида кўриладиган тадбирлар халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш ва унга раҳбарликни яхшилаш йўлида Коммунистик партия томонидан амалга оширилаётган ишларнинг таркибий қисмидир. Саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қуриш каби машина-трактор станцияларининг ҳам қайта ташкил қилиниши хўжаликнинг социалистик системаси афзалликларидан ва ишлаб чиқариш резервларидан максимал даражада фойдаланишни, омманинг ижодий ташаббуси ва активлигини янада ривожлантиришни таъминлайди. Бу тадбир совет жамиятининг коммунизм сари олиб борадиган йўлдан илгарилаб боришини тезлаштиради. Ленинча гениал кооператив план асосида қишлоқ хўжалиги коллективлаштирилганидан кейин бу тадбирларнинг амалга оширилиши социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги, ғоят муҳим ва катта қадам бўлади.

СССР Олий Совети сессиясида бир овоздан қабул қилинган Қонунда бундай дейилади:

**«1 модда.** Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан ҳамда умумхалқ муҳокамаси вақтида ҳамма томонидан қўллаб-қувватланган тадбирлар маъқуллансин.

**2 модда.** Колхозларнинг иқтисодий ва ташкилий тараққиётида ҳозирги вақтда эришилган даражани эътиборга олиб, машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиб, уларни ремонт-техника станцияларига айлантириш зарур деб топилсин. Машина-трактор станциялари ихтиёрида бўлган тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ана шу техникани сотиб олишни истаган колхозларга сотилсин. Ўзлари сотиб олган трактор ва машиналарнинг ҳақини бирданига тўлаш имкониятига эга бўлмаган колхозларга уларнинг иқтисодий аҳволига қараб тўлаш муддатлари узайтирилсин.

1958 йилдан бошлаб колхоз ва совхозларга янги тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари сотилсин.

Машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш айрим колхозлар экономикасининг ривожланишини ва Совет Иттифоқидаги турли зоналар ҳамда районларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, секин-аста, иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилсин».

СССР Олий Совети сессиясида қабул қилинган Қонунда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши пахтачилик ва областимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш юзасидан белгиланган катта вазифаларни муваффақиятли бажаришда қудратли восита бўлиб хизмат қилади.

СССР Олий Совети атом ва водород қуроли синовларини Совет Иттифоқининг бир ўзи тўхтатиши масаласи юзасидан қарор қабул қилди, ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан АҚШ Конгрессига, Буюк Британия Парламентига, дунёдаги барча мамлакатларнинг парламентларига, Германия Федератив Республикаси Бундестагига Мурожаат қабул қилди.

Бу Мурожаатларда ва СССР Ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. Громиконинг Совет ҳукумати номидан сессияда қилган баёнотида Совет Иттифоқи халқларининг тинчликка бўлган қатъий иродаси, халқаро кескинликни юмшатишга ва уруш хавфининг олдини олишга қаратилган муттасил ҳаракати, бутун инсониятнинг орзу-тилаклари тўла ифодаланган.

СССР Олий Совети қабул қилган қарорлар ва тасдиқлаган ташкилий тадбирларнинг амалга оширилиши кўп миллатли улуғ социалистик давлатимизни бундан буён ҳам ҳар тарафлама мустаҳкамлашга ёрдам беради, унинг куч-қудратини янада оширади, социалистик экономикамизни бутун чоралар билан ривожлантиришни ва колхоз тузумини янада мустаҳкамлашни, барча совет кишиларининг моддий фаровонлигини юксалтиришни таъминлайди, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдан иборат тарихий вазифани муваффақиятли бажариш учун шубҳасиз энг яхши шароитлар яратиб беради.

Областимиз меҳнаткашлари СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар ва бу қарорларга меҳнат ғайратини янада ошириш билан жавоб бермоқдалар. Маҳаллий партия, совет ташкилотларининг вазифаси — СССР Олий Совети биринчи сессиясининг материалларини кенг пропаганда қилишдан, халқимизнинг куч ва ғайратини ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли бажаришга, кўкламги экиш кампаниясини зўр уюшқоқлик билан қисқа муддатда ва юқори сифатли ўтказишга сафарбар этишдан иборат.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган Тошкент областининг меҳнаткашлари СССР Олий Совети тарихий сессиясининг қарорларини амалга ошириш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сафарбар этадилар.

## Область саноат бошқармаси квартал планини ошириб бажарди

Олтинчи беш йилликнинг учинчи йили программасини ва биринчи квартал планини муддатидан олдин бажариш учун курашни йил бошиданоқ қизитиб юборган область маҳаллий саноат бошқармаси корхоналарининг коллективлари СССР Олий Совети сессиясини ишлаб чиқаришда катта ғалабалар билан нишонладилар. Бошқарма бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш биринчи квартал давлат плани муддатидан анча олдин бажарилди ва 1 апрелгача қўшимча равишда 5 миллион 686 минг сўмлик кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш квартал плани ҳам 110 процент қилиб адо этилди. 3 ой мобайнида пландан ташқари 300 тонна кўмир, 460 тонна оҳак, 10 минг метр ип газлама, 170 жуфт чарм ва 580 жуфт резина пойафзал, 30 тонна кондитер маҳсулотлари, 300 тонна нон-булка берилди.

Корхоналараро социалистик мусобақада резина-техника буюмлари комбинати, тикув-пойафзал фабрикаси, мебель фабрикаси ҳамда Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ ва Олмалиқ нон заводлари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

## Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси Будапештга жўнаб кетди

### Внуково аэродромида кузатиш маросими

2 апрелда Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси Москвадан Будапештга жўнаб кетди. Бу делегация Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий комитети ва Венгрия Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Венгрияга жавоб визити билан боради.

Делегация составида қуйидагилар бор: КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва СССР Министрлар Советининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, ВЦСПС раиси В. В. Гришин, Украина КП Киев область комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. П. Бойкова ва СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги элчиси Е. И. Громов.

Внуково аэродромида Совет Иттифоқи делегациясини А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, Л. И. Брежнев, Н. А. Булганин, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Я. Э. Калинберзин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, В. П. Мжаванадзе ўртоқлар, СССР министрлари, Совет Иттифоқи маршаллари, марказий муассасалар ва бошқармаларнинг раҳбарлари, дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари кузатиб қолдилар.

Аэродромда Москва меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари бор эди.

Тўпланганлар ўртоқ Н. С. Хрушчев билан ва СССР Партия-Ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари билан самимий хайрлашдилар ва уларга оқ йўл тилаб қолдилар. (ТАСС).

## Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси Будапештга келди

БУДАПЕШТ, 2 апрель. (ТАСС махсус мухбири). Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети ва Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси жавоб визити билан бугун Будапештга келди. Делегация составида: КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, ВЦСПС Раиси В. В. Гришин, Украина КП Киев область комитетининг Биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. П. Бойкова ва СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги Элчиси Е. И. Громовлар бор.

Венгрия ва совет байроқлари билан безатилган Ферихедь аэродромида Партия-Ҳукумат делегациясини Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Доби, Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Дьердь Марошан, Антал Апро, Карой Кишш, Дьюла Каллаи, Шандор Ронаи, Миклош Шомоди, Йене Фок, Бела Биску, Лайош Фехер ва партия ҳамда ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари, жамоат арбоблари, Венгрия Халқ армиясининг вакиллари, Будапештдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, венгер ва чет эл журналистлари кутиб олдилар. Шунингдек, делегацияни СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги Элчиси Е. И. Громов ва Совет элчихонасининг бутун составн ҳам кутиб олдилар.

Совет меҳмонлари келишидан анча илгари аэродромда Венгрия пойтахтининг ўн минглаб меҳнаткашлари тўпландилар. Бу ерга келган кишилар байрамлардагидек кийинган, кўпларининг қўлларида гуллар бор. Тўпланганларнинг тепасида қизил ва уч рангли миллий байроқлар ҳилпирайди. Аэродром фасадида рус ва венгер тилларида ёзилган қуйидаги шиорларни ўқийсиз: «Яшасин совет ва венгер халқларининг бузилмас дўстлиги!», «Мамлакатимизга келган Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясини қизғин табриклаймиз!», «Яшасин социализм мамлакатларининг улуғ қардошлик оиласи!».

Бугун ҳаво очиқ бўлиб, Будапешт қуёш нурларига чўмган эди. Соат 10-45 минут. Аэродром тепасида кумушсимон «ТУ-104» самолёти пайдо бўлади. Самолёт учиш майдончасига қўниб, аэропорт биноси олдига келади. Н. С. Хрушчев ва делегация аъзолари трап бўйича самолётдан тушадилар. Тўпланган кишилар уларни гулдурос қарсаклар ва «Ура!» садолари билан табриклайдилар, қизил ва қизил-оқ-яшил рангли байроқчаларни баланд кўтариб, «Дўстлик!», «Венгер-Совет дўстлиги!» сўзларини хитоб қиладилар.

Янош Кадар, Иштван Доби, Ференц Мюнних ўртоқлар ва Венгриянинг бошқа партия ва давлат арбоблари самолёт олдига келадилар ҳамда азиз меҳмонлар билан самимий кўришадилар.

Н. С. Хрушчев фахрий қоровул бошлиғининг рапортини қабул қилиб олади. Оркестр Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси гимнларини ижро этади. Шундан кейин Н. С. Хрушчев ва Янош Кадар ўртоқлар фахрий қоровул олдидан ўтадилар. Пионерлар совет меҳмонларига гуллар тақдим этадилар.

Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг бошлиғи гулдурос қарсаклар остида кутиб олувчиларнинг сафларини айланиб чиқади, министрлар, дипломатлар билан, меҳнаткашларнинг вакиллари билан кўришади. Сўнгра совет меҳмонлари ва Венгрия Халқ Республикаси раҳбарлари аэропорт биноси олдида қурилган трибунага томон йўл оладилар.

Ўртоқ Янош Кадар табрик нутқи сўзлади.

Сўнгра ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Тўпланганлар уни қизғин кутиб олдилар.

Янош Кадар ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг нутқлари гулдурос қарсаклар ва табрик хитоблари билан қайта-қайта бўлиниб турди. Майдонда партия гимни «Интернационал» садолари янграйди.

Ўртоқ Н. С, Хрушчев, Партия-Ҳукумат делегациясининг аъзолари ва Венгриянинг раҳбар арбоблари машиналарга тушадилар. Аэродромдан тортиб делегациянинг резиденциясига қадар бутун трассада Будапештнинг кўп минглаб аҳолиси азиз совет меҳмонларини қизғин табрикладилар. Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг Будапештда кутиб олиниши венгер-совет бузилмас дўстлигининг ёрқин намойишига айланди.

## *Совет Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрия Давлат мажлисида бўлди*

БУДАПЕШТ, 2 апрель. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси бугун Давлат мажлисида бўлди.

Давлат мажлисига кираберишда асосий эшик олдида Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси аъзоларини Давлат мажлисининг раиси Шандор Ронаи кутиб олди. Совет меҳмонларини Мункачи залида Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг раиси Иштван Доби, Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси доктор Ференц Мюнних, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Ҳукумат аъзолари қабул қилдилар.

Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг аъзолари билан Венгрия давлат арбоблари ўртасида узоқ давом этган самимий ва дўстона суҳбат бўлди.

## *60 центнер учун курашамиз*

Бригадамиз аъзолари 1956 йилда 46 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 47,3 центнердан пахта топширган эдилар. Ўша йили фақат 16 гектар ерда ғўзаларни квадрат-уялаб парвариш қилган эдик. Янги усулнинг афзаллигини, мўл ҳосил гарови эканлигини тажрибамизда синаб кўрдик. Ўтган йили экин майдонимизни 6 гектарга кенгайтириб, 31 гектар ерга 60x45 усулида чигит экдик. Ғўзалар узунасига ва кўндалангига парвариш қилинганлиги сабабли оғир меҳнат енгиллашди, кам меҳнат куни сарф қилинди, ҳосилимиз эса аввалги йиллардагига қараганда 6,5 центнерданга ошди, яъни 53 гектар ердан 53,4 центнердан ҳосил йиғиб олишга эришдик.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатаяптики, агар чигит сифатли тайёрланган ерларга ўз вақтида экилса, ернинг ўз намида ундириб олинса, ҳар гектар ерда кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишига эришилса, шу билан бирга парвариш жойига қўйилса, ҳосил мўл бўлаверар экан.

Бу йил бригадамиз аъзолари ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Ана шу мақсад билан ерларимизни куздаёқ сифатли шудгор қилиб қўйган эдик. Гўнгни ҳам кераклигича жамғардик. Янги усулда чигит экиш мақсадида барча еримизни бороналаб, текислаб экишга тахт қилиб қўйган эдик.

СССР Олий Совети сессиясининг колхоз тузумини янада ривожлантириш, МТСларни қайта ташкил қилиш тўғрисида чиқарган қонуни ва қатор қарорлар барча совет кишилари сингари бизни ҳам пахтачиликни ривожлантириш ишига янада руҳлантириб юборди.

Еримиз ҳам, янги усулда чигит экадиган техникамиз ҳам мавсумга аввалдан тахт қилиб қўйилганлиги туфайли бир жон-бир тан бўлиб экишни бошлаб юбордик. Бригадамиз аъзолари бу муҳим вазифани 3-4 иш кунида сифатли тамомлаш, улуғ байрам—1 Май кунигача ғўзани дастлабки, комплекс парваришдан чиқариш мақсадида барча зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Биз, албатта ўз аҳдимиз уддасидан чиқамиз.

**С. ҒАФУРОВ.**

Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг бригада бошлиғи.

## Квадрат-уялаб чигит экиш қизғин тус олди

**БЕКОБОД (Телефон орқали олинди). 2-«Далварзин» совхозининг ишчилари чигит экишга уюшқоқлик билан киришдилар. Совхознинг кўпчилик бригадаларида чигит квадрат-уялаб экилаётир. Совхознинг 5-бўлимидаги тракторчи ўртоқ Тўйчи Қаюмов бошлиқ звено аъзолари бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу звено аъзолари 30 гектар ерга 60x60 схемаси билан квадрат-уялаб чигит экиб, кетмон ишлатмасдан пахта етиштиришга қарор қилганлар. Шу кунларда нормадаги 5 гектар ўрнига кунига 8 гектар ерга чигит экилиб, топшириқ 130 процентга етказиб бажарилмоқда.**

**Совхознинг ўртоқ Холмирзаев бошлиқ 2-бўлим ишчилари ҳам чигит экишни тез ва сифатли тугаллаш учун курашмоқдалар. Бу бўлимда ҳозиргача 100 гектар ерга, совхоз бўйича эса икки кунда 300 гектар ерга чигит экилди.**

**Совхоз ишчилари чигит экишни яқин кунлар ичида тугаллаш учун курашмоқдалар.**

## Бизнинг орзу-истакларимиз ифодаланган

Барча совет кишилари сингари Тошкентдаги электро-лампа заводининг кўп минг кишилик коллективи ҳам СССР Олий Совети сессияси ишини зўр қизиқиш билан кузатиб бордилар. 281 агитатор смена алмашиш, тушки овқат ва танаффус пайтларида цех ва участкаларда кундалик газеталарни ишчиларга, мастер ва инженер-техник ходимларга ўқиб, эшиттириб турдилар.

СССР Олий Советининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда атом ва водород қуроли синовларини Совет Иттифоқининг бир ўзи тўхтатиши масаласи юзасидан чиқарган қарори ва ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан АҚШ Конгрессига, Буюк Британия Парламентига, Германия Федератив Республикаси Бундестагига ва дунёдаги барча мамлакатларнинг парламентларига қарата қилган Мурожаати муносабати билан корхонада оммавий ўқишлар ва йиғилишлар зўр уюшқоқлик билан ўтказилаётир.

Совет Иттифоқининг бир ўзи атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиши тўғрисида қарор эълон қилинган куни 14-цех коллективининг умумий йиғилиши бўлди. Йиғилишда биринчи бўлиб сўзга чиққан пайвандчи-новатор М. Онишченко кўпчиликнинг фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Бизнинг ҳукуматимиз АҚШ ва Англия ҳукуматларига ялпи қирғин қуроли синовини тўхтатиш ва уларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисида бир битимга келайлик, миллионлаб оддий кишилар ўзларининг эртанги кунлари ҳеч қандай даҳшатсиз, тинч ва хотиржамликда ўтишига ишонадиган шароит туғдирайлик, деб кўп марта мурожаат қилди. Лекин империалистик давлатларнинг ҳукумат бошлиқлари ҳар сафар турли хил ҳийла-найранглар ва важлар билан бу олижаноб таклифни амалга оширишдан бош тортиб келдилар. Мана бугун бутун дунё жамоатчилиги Олий Советнинг юксак гуманистик қарорини мамнуният билан ўқимоқда. Биз, ишчилар бу қарор қаҳрамон совет халқининг, дунёдаги барча тинчликсевар кишиларнинг қувончига-қувонч қўшишига, уларнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашларида зўр мадад бўлишига ишонамиз.

— Доно партиямиз ва жонажон ҳукуматимиз бизларнинг энг эзгу орзу-истакларимизни рўёбга чиқариб келмоқдалар, — деди сўзга чиққан технолог И. Смачков. — Сессия қарорлари бунинг ёрқин далилидир. Партия ва ҳукуматимиз бизларнинг тинч ижодий меҳнат қилишимиз, моддий ва маданий турмушимизнинг янада равнақ топиши тўғрисида шунчалик катта ва тинимсиз ғамхўрлик қилаётган эканлар, бизлар ҳар биримиз ўз постимизда меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириш, давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш йўли билан мамлакатимиз иқтисодий қудратини тинмай ошириш учун бор куч ва ғайратимизни сарфлаймиз. Биринчи квартал планини 8 процент ортиғи билан бажарган цехимиз коллективи иккинчи кварталда топшириқни 110 процент қилиб адо этиш учун курашади.

Шу куни заводнинг бошқа цехларида ҳам мана шундай йиғилишлар бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари сессия қарорларини якдиллик билан маъқулладилар.

**З. МУҲАММАДЖОНОВ.**

## Сессия қарорлари янги муваффақиятларга илҳомлантирмоқда

**ЯНГИЙЎЛ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан).** Колхоз тузумини янада ривожлантириш, МТСларни қайта ташкил қилиш тўғрисида СССР Олий Совети сессияси чиқарган Қонун, атом ва водород қуролларини синовдан ўтказишни тўхтатиш ҳақидаги қарорлар барча совет кишиларининг айни муддаосини ифодалайди. Бу тадбирларни каттадан-кичик қўллаб-қувватламоқда, жонажон партия ва Совет ҳукуматининг битмас-туганмас ғамхўрлигидан, халқларнинг тинчлиги ва бахт-саодатини тўла таъминлаш йўлидаги олижаноб ҳаракатидан бениҳоя мамнун бўлмоқда.

Янгийўл райони меҳнаткашлари сессиянинг ана шу Қонун ва қарорларини ҳар тарафлама чуқур ўрганиб, уни қизғин маъқулламоқдалар, меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун астойдил курашмоқдалар.

Кеча Свердлов номли колхоз пахтакорлари йиғилиш ўтказиб, партия ва ҳукуматимизнинг меҳрибонлигига жавобан ўзларининг юрак сўзларини айтдилар. Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Р. Усмонов сессиянинг чиқарган Қонун ва қарорларини пахтакорларга тушунтириб берди.

— Биз, — деди у, — бир жон-бир тан бўлиб, пахтачиликни янада ривожлантириш, мамлакатимизга 3 миллион тонна «оқ олтин» етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил курашамиз.

Йиғилишда сўзга чиққан илғор бригада бошлиқлари ва ўртоқ Тюпко методи асосида ишлашга аҳд қилган моҳир механизаторлар ўртоқ Р. Усмоновнинг сўзларини тўла маъқулладилар.

Колхозда ўтган йили пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмай қолди. Бу йил эса ҳар бир деҳқон ўтган йили йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олган. Колхоз бўйича 1100 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш кучайтирилган.

— Бу йил пахта майдонларимизнинг катта қисмига квадрат-уялаб чигит экамиз, — дейди илғор бригада бошлиғи ўртоқ Н. Киборов.— МТС ихтиёридан зарур барча техникани сотиб олдик. Энди техникадан тўла ва унумли фойдаланиб, кам меҳнат сарф қилиб мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма имкониятга эгамиз. Бизга ана шундай енгилликлар яратиб берган партия ва ҳукуматимизга раҳмат!

Бу йил гектаридан 35-36 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган, шу кеча-кундузда чигит экишни қизғин бошлаб юборган бригада бошлиқларидан Ў. Усмонов, М. Қосимов, Қ. Ҳамроев ўртоқлар ҳам сессия қарорларидан мамнун эканликларини билдирдилар.

Шу кунларда МТС ихтиёридан зарур техникани сотиб олган райондаги Сталин номли, Ленин номли, «Коммунизм» колхозлари пахтакорлари ҳам сессия материалларини қизғин маъқулламоқдалар, янги қарорлардан руҳланиб, чигит экишни кундан-кунга кучайтирмоқдалар.

**У. ЖОНГИТОВ.**

